

## МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ЯРАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Нозима Воҳидова  
ЎзДЖТУ тадқиқотчиси

Инфосфера оқими шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда аудитория эҳтиёжи ҳам ортиб бораверади. Бугунги кунда истеъмолчи замон билан ҳамнафас, тезкор, аниқ далилларга асосланган, самимий медиамаҳсулотга эҳтиёж сезади. Бундай вазиятда тайёрланган медиамаҳсулотнинг ҳажми, мақсади, ракурси катта аҳамият касб этади. Телеканалларнинг кўплиги, ўзаро рақобатнинг устиворлиги телевизион истеъмолчига танлаш имконини беради. Бу жараён журналистдан ўта зийраклик, бетиним изланишни талаб этади. Йиллар давомидаги кузатувларимиз ҳосиласи, телеканалларда маиший мавзуларни асос қилган ток-шоулар, сериаллар, ғарбга кўр-кўрона тақлид асносидаги кўнгилочар кўрсатувлар асосий ўринни эгаллаган. Медиамаконда дунё маънавияти хазинасини бойитган ота-боболаримизнинг илмий, моддий-маънавий мероси, миллий қадриятлар, гўзал ахлоқий муносабатлар, анъаналар, сара урф-одатларни ўзида жамлаган миллий контентга эҳтиёж яққол сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгаши йигилишидаги "...Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз... Ҳар қандай танқидга жавоб бериш керак. Журналист ҳақ бўлса, буни тан олишимиз керак. Ноҳақ бўлса, унга тушунтириш орқали ёлғон хабарларнинг олдини олишга ўрганишимиз ва бутун жамиятимизга шуни тушунтиришимиз керак"<sup>35</sup> – деган фикрлари ушбу масаланинг глобал эканлигига асосдир.

Миллий контент нима? Миллий ўзлик, ватанпарварлик, буюк аждодларнинг бебаҳо илмий ва маданий меросини кўрсатиш асносида тайёрланган медиамаҳсулотлар миллий контентнинг асосини ташкил қилади. Дунёдаги турли таҳдидларга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан жавоб бериш, медиа оламидаги турли янгилик ва ахборотларга булган эҳтиёжни миллий ахборот бренди билан қондириш орқали миллий контент шакллантирилади.

Замонавий телевидениенинг вазифаси томошабинга нафақат янгилик ёхуд маълумот беришдан иборат, балки фикрлашга ундаш, шахсияти, руҳиятини тарбиялаш кучига эга. Мамлакат аҳолисининг 60% дан кўпини ташкил этадиган ёшлар учун ибрат вазифасини бажаради. Телеэкран қаршисидаги ҳар дақиқа

<sup>35</sup><https://www.facebook.com/watch/?v=370056348940357>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йигилишидаги нуткидан, 2024.12 январь.

истеъмолчи учун манфаатли бўлиши шарт. Зеро, “кўриш аъзоларимиз орқали 8 фоиз, эшитиш аъзоларимиз орқали фақат 16 фоиз маълумот қабул қилинади”<sup>36</sup>. Аммо бугун ижтимоий тармоқлар турли маълумотларни етказишда пешқадамликни қўлга олган бир пайтда миллий контент билан томошабинни жалб қилиш алоҳида маҳорат, ўзига хос ёндашувни талаб этади. Буюк аждодларимиз, уларнинг ижод намуналари, замонамизнинг ардоқли шоир, ёзувчи, давлат арбоби, мусаввир, хунармандлари, ноёб дурдоналар (халқ мақоллари, миллий либослар ва бошқ) ҳақида миллий контент тайёрлашда аввало, танланган мавзуни назокат билан чуқур ўрганиш лозим. Менталитет, азалий қадриятлар, халқ орасида олий даргоҳда таҳсил олмаган, лекин “туғма зиёли”ларнинг кўплигини ҳам инобатга олиш шарт. Масалан, 2003-йил “Ўзбекистон” телеканалида Нилуфар Умрзоқова ҳамда Нозима Воҳидова ҳамуаллифлигидаги “50/50” ток-шоуси “Халқ мақоллари эскирадими?” мавзусида тайёрланган. Кескин баҳсларга сабаб бўлган кўрсатувда фольклоршунос, этнограф, кекса отахон ва онахонлар, ёшлар ҳамда юзга яқин томошабин иштирок этган. Кўрсатув иштирокчиси тадбиркор Гавҳар Мўминжоннова халқ мақоллари умрбоқий бўлиши билан бир қаторда, “Ит вафо – хотин жафо” каби мақоллар бугун учун кераксиз деган фикрни айтганда, студияда мунозарали вазият пайдо бўлди<sup>37</sup>. Бошловчиларнинг зийраклиги боис навбат фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Асқар Мусоқуловга берилди. Мавзу глобал, аммо шундай мақоллар борки, вақт ўтиши билан таъсирчанлигини йўқотади ва истеъмолдан чиқади. Бу мақол аёл итоаткор деб қаралган даврларда ишлатилганлиги, ўша давр учун муҳим, бугунги кунда яроқсиз эканлигини тушунтирди. Агар кўрсатувга фольклоршунос олим А. Мусоқулов таклиф этилмаганида, шахсиятга тегиш, халқ меросига ҳурматсизлик каби фикрлар туғиларди. Миллий контент яратиш ўта нозиклик, салоҳият, фикру тафаккурни талаб этади. “Инсондан фақат фикр қолади. Бугун биз Афлотун ёки Суқротнинг чехрасини, кийимини эсламаймиз, у яшаган уй-жой қанақа бўлганини билмаймиз. Унинг фикрлари эса бизгача етиб келди.

Инсонни тафаккургина юксакка кўтаради”<sup>38</sup>. Бугунги истеъмолчи учун вақт жуда қадрли. Қисқа, мазмунли, таъсирли, рангин контентларга эҳтиёж баланд. 2020-йил Ҳазрат Алишер Навоий таваллудлари муносабати билан “Ўзбекистон тарихи” телеканалида махсус роликлар тайёрланди. XIV-аср руҳиятини, маданиятини кўрсатадиган махсус либослар, ғазаллар танланди. Навоий сиймосидаги актёр Алишер Навоий метро бекатида халқ орасида ғазал айта бошлади. Метро бекатидагилар тўпланишди. Жараёндаёқ ғазалхонлик, мушоира бошланди ва узоқ давом этди. Китоблар совға қилинди. Асосан ёшлар Навоий

<sup>36</sup> Усмонхўжаев Абдукарим, Қалб давоси, Тошкент, “Янги аср авлоди”, 444 саҳифа, 67-бет

<sup>37</sup> “Ўзбекистон” телеканали, “50/50” ток-шоуси, 2003 йил, 14 июндаги “Перспектив” лойиҳалар студияси маҳсулот

<sup>38</sup> Бахриев Карим, Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 294 саҳифа, 10-бет

сиймосидаги актёр билан суратга тушишди, албатта ғазаллар ёдлашларини айтишди. Лавҳа эфирга кетгач, кўплаб мактублар ҳам келди.

Миллий контентдаги телекўрсатувлар тайёрлашда креативлик жуда зарур ҳисобланади. Бугунги истеъмолчини медиумаҳсулотга шунчаки маҳлиё қилиб бўлмайди. Ҳар бир элемент, детал (либос, грим), ҳаттоки, ҳаракатга ҳам масъулият билан қараш лозим. 2004-йил “50/50” ток-шоусининг 20-июлдаги мавзуси “Ниқоб” деб номланган. Инсон ҳаётда қай вазиятда ниқоб тақади? Умуман ниқоб керакми? Мавзуга икки томондан яъни оқ ва қора тарафдан қараш керак. Мавзуга мос иштирокчилар танланган. Раҳбар ва ходим, қайнона ва келин, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабат ва ниқобнинг ишлатилиши ҳақида мунозара, таҳлиллар бўлди. Икки бошловчининг бир-биридан айро тайёрлаган саволлари ҳосиласи “ниқоб баъзан ҳаётда керак бўлади” деган хулосага келинаётганда, кўрсатувга яқиний фикр берувчи Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирда университет) ўқитувчиси таклиф этилди. Иштирокчи бошловчига ниқобни бериб, “Аслида ниқобни сиз тақишингиз керак?” дея жойини эгаллади. Бу савол ток-шоуга кескин бурилиш ясади. Табиийки, бошловчи ноқулай аҳволга тушди ва тандемдаги бошловчи (Нилуфар Умрзоқова) билан бир фикрга келиб, вазиятга журналистик этика қоидаларига амал қилиб, иштирокчи билан муносабатга киришди. Айни вазиятда режиссёрнинг ҳам (Мирмақсуд Охунов) бошловчиларга берган тўғри ва аниқ йўналиши, фикри ток шоунинг муваффақиятига сабаб бўлди. Бундай ҳолатда бошловчи ортиқча ҳиссиётларга берилмай, мавзуга ақл билан ёндашиб, кўрсатув мақсади томон ҳаракат қилмоғи шарт. Телестудиядаги 100 дан ортиқ қолаверса, миллионлаб мухлисларни муаммонинг сабаби, оқибати ҳамда ечими ҳақидаги фикрлар қизиқтиради. Ортиқча ҳиссиёт, этика қоидаларини бузиш нафақат бошловчи, балки кўрсатув имиджига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳақли савол туғилади: аслида нега бундай бўлди? Тасвирга олингунга қадар, тайёргарлик жараёнида бошловчи ёнидагиларга баъзи бир ўқитувчиларни порахўрликда айблаган. Аниқки, бу жараёнга салбий таъсир кўрсатган ва ўқитувчи ўз нафратини билдирган. Айниқса, миллий контент яратишда ҳаракат ва сўзга эътиборли бўлиш, журналист этикасига амал қилиш шарт ва зарур.

Миллий контент яратиш шунчаки баландпарвоз, сохтакорликдан иборат эмас. Президент таъбири билан айтганда “одамларнинг янгилик ва таҳлилларга бўлган эҳтиёжини тўлдирмасак, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”<sup>39</sup>. Шу нуқтаи назардан ҳам маънавий мезонни сақлаш, кадриятларни ёшлар онгига сингдириш ва сақлаб қолиш долзарб вазифа ҳисобланади.

<sup>39</sup> <https://www.facebook.com/watch/?v=370056348940357>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нуткидан, 2024.12 январь.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. <https://www.facebook.com/watch/?v=370056348940357>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқидан, 2024, 12 январь;
3. Усмонхўжаев Абдукарим, Қалб давоси, Тошкент, “Янги аср авлоди”, 444 саҳифа, 67-бет;
4. “Ўзбекистон” телеканали, “50/50” ток-шоуси, 2003 йил, 14 июндаги “Перспектив” лойиҳалар студияси маҳсулоти
5. Баҳриев Карим, Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 294 саҳифа, 10-бет